

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ШАМУРАТОВА ЭЛЬЗА САПАРБАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ОИЛАСИДА ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of the abstracts of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
sciences**

**Шамуратова Эльза Сапарбаевна**

Қорақалпоқ оиласида ислом қадриятларини шакллантиришнинг  
педагогик асослари..... 3

**Шамуратова Эльза Сапарбаевна**

Педагогические основы формирования исламских ценностей  
в каракалпакской семье ..... 25

**Shamuratova Elza Saparbaevna**

Pedagogical foundations of the formation of Islamic values  
in the Karakalpak family ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ШАМУРАТОВА ЭЛЬЗА САПАРБАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ОИЛАСИДА ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (Ph.D) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped503 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([http://samdu.uz/ixtisoslashgan\\_kengashlar](http://samdu.uz/ixtisoslashgan_kengashlar)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net/uz](http://www.ziyo.net/uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Махмудова Муяссар Махмудовна  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Махмудов Мэлс Хасанович  
педагогика фанлари доктори, профессор

Салимаҳон Рустамий  
филология фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:** Навоий давлат педагогика институти


Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» май соат 10<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-17-14, e-mail: samdu\_ped\_kengash@umail.uz).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51); факс: (0366) 239-17-14.

Диссертация автореферати 2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2021 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



  
Х.Н.Ибраимов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

  
Ш.Р.Ураев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.д. (PhD)

  
Н.Ш.Шодиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодий, молиявий, маданий, мафкуравий, ижтимоий туб трансформация жараёнларини ўзида мужассам қилган глобализация оқибатида юзага келган шарт-шароитлар башариятни инсон, инсоннинг маънавий ҳамда руҳий олами, гуманизм ғоялари жамиятлар тараққиёти учун муҳим кадрият эканлигини кўрсатиб, дин феномени, маданияти ва кадриятларига бўлган ижтимоий-педагогик қизиқиш кундан кун ортиб бормоқда. Ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларнинг ташкилий-педагогик босқичларида турли динларда, жумладан, ислом динида талқин қилинган тарбиявий тамойиллар, категория ва талаблар, гуманитар анъаналарнинг инсон капиталини бунёд этишдаги ўрнидан келиб чиқувчи дидактик, акмеологик ва аксиологик ёндашувларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё миқёсида халқларнинг азалий мақсади ва кадриятларини чуқур ўрганиш, динларнинг ёш авлодни тарбиялаш ва ижтимоий-педагогик имкониятлари самарадорлигини оширишдаги ўрнини аниқлаштириш, ижобий таъсир даражасини баҳолаш мезонларини классификациялаш, тарбия методларини диний кадриятлар асосида такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланиш натижаларининг жамиятдаги оммавий маданият, маънавий қашшоқлик, масъулиятсизлик, ахлоқсизлик каби турли салбий иллатлар профилактикаси учун хизмат қилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида диний бағрикенглик ва диний эътиқод ҳуқуқининг қонуний асослари ишлаб чиқилиб, диний кадриятлар ва дин эркинлиги учун барча шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга, “Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар, аввало, ижтимоий кадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда. Шу нуқтаи назардан, буюк аجدодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир”<sup>1</sup>. Бу борада мамлакатдаги турли миллат ва элатлар, жумладан, қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантиришдаги илғор тажрибаларни ўрганиш, оилавий таълим ва тарбияга доир дидактик, акмеологик, аксиологик ёндашувларни таҳлил қилиш, диний-маънавий ва диний-дунёвий тарбия жараёнларига ислом кадриятларининг таъсирини очиб бериш, институционал ва функционал тизимларни ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнларида ислом кадриятларини шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик таъминотни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-

<sup>1</sup> Тошкентда ИХТ ТИВКнинг 43-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза си. // <https://kun.uz/56106155?q=%2F56106155>

маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси”ги ПФ-5325-сон Фармонлари, 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сон, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 572-сон қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. ”Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш йўналиши ўзининг янги мазмунини кашф қилди ва янги даражага кўтарилди.

Қадриятлар тушунчаси, унинг замонавий жамиятдаги ўрни масаласи ижтимоий фанлардан фалсафа, социология, жамиятшунослик, сиёсий фанлар, тарих, ҳуқуқ, педагогика, психология йўналишларида Х.Шайхова, А.Мунавваров, М.Иномова, М.Очилов, Ж.Йўлдошев, Р.Жўраев, О.Мусурмонова, М.Маҳмудова, С.Нишонова, М.Қуронов, Ш.Курбонов, Э.Юсупов, Қ.Назаров, Ж.Туленов, У.Маҳкамов, С.Файзулина, С.Аннамуратова, У.Маҳкамов, Сафо Очил, М.Имомназаров, Қ.Назаров, В.Каримова, А.Нуров, Г.Акрамова, Г.Наврўзова, Н.Ортиқов, Р.Рўзиева, Д.Қосимова, А.Хайдаров, Д.Гулямова, М.Каримова, А.Муратбаева, М.Нурматова, Т.Тўйчиева, Н.Темирова, О.Мухаммадиева, О.Шарипова, Ф.Юлдашева, Б.Очилова, Х.Одилқориев, Ф.Соифназаров каби олимлар томонидан шахс, хусусан баркамол шахс тарбияси, қадриятлар фалсафаси, қадриятларнинг ижтимоий ва тарихий аҳамияти, таълимда қадриятлар ўрни, ёшларни маънавий баркамол ва интеллектуал етук қилиб шакллантиришда қадриятлар моҳияти, миллий ва умумбашарий қадриятлар узвийлиги илмий сатҳда чуқур таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда оилавий таълим ва тарбия масалалари, оиланинг педагогик вазифалари, оилавий тарбия усул ва воситалари муаммолари А.Мунавваров, М.О.Иномова, О.Мусурмонова, М.Давлетшин, В.Каримова, М.Маҳмудова, З.Нишонова, Н.Сафаев, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев кабилар томонидан ўрганилган.

Дунё миқёсида АҚШ, Канада, Япония, Германия, Франция, Испания, Австралия, Турция, Малайзия, Индонезия, Эрон, Филиппин ва мусулмон

давлатларида ислом маданияти, унинг тарихи, ислом тарбияси борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Аксиология асослари ва унинг педагогик моҳияти масаласи Э.Гартман (Германия) ва П.Лапи (Франция) томонидан тадқиқ этилди. Россия ва МХДларида ислом дини билан боғлиқ педагогик тадқиқотлар кўпроқ тарихий йўналишларда олиб борилди. Хусусан, А.А.-Дж.Кочуев, Г.А.Аргунова, Р.К.Иммиев, С.В.Корецкая, А.С.Семенова, А.А.Шерукова, Ал-Хошеми Муҳаммад Али, А.И.Ибрагим, Абед Халил, В.Боровников, Г.Ю.Хабибуллина, А.Харисова, Ю.Ли, Г.Ш.Каймазаров, С.И.Муртузалиев, А.А.Ярликапов, А.С.Антипова, Б.Р.Гильмутдинов, Б.С.Абдужапаров (Россия), араб ва мусулмон давлатлари, Турция, Россия воқелигида ислом ва таълим муносабатларининг турли қирраларини таҳлил қилдилар. Ф.Ходжиева, М.Т.Алиев, К.Ходжаев (Тожикистон) тожик халқи анъаналарида ислом кадриятларининг тутган ўрни ва ислом тарбияси асосларини ўргандилар.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2020-2022 йилларга мўлжалланган ПЗ-2020022811 рақамли “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларига асосланган тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик асослари, шакл, метод ва воситаларини аниқлаштириш, илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантиришга доир диний, фалсафий, тарихий, ҳуқуқий, социологик, ижтимоий-педагогик қарашларни ўрганиш, ислом кадриятлари тушунчасининг дефинициясини, унинг педагогик мазмуни ҳамда дидактик, акмеологик, аксиологик хусусиятларини аниқлаш;

қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантириш бўйича интерфаол тарбия методлари, замонавий тарбия стратегиясини, инновацион шакл, восита ва методлар мажмуидан иборат педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, шакллантирилиши зарур бўлган ислом кадриятлари мазмуни, даражаси ва мезонларини белгилаш;

қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантиришга доир мавжуд илғор тажрибаларни қиёсий-типологик таҳлил этиш, оилавий таълим ва тарбияга доир хориж тажрибасидан унумли фойдаланиш ва уни амалиётга татбиқ этиш, таълим жараёнидаги интеграция омилларини белгилаш;

қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантиришнинг тажриба-синов ишларини ўтказиш, унинг экспериментал даражаси ва самарадорлигини белгилаш, илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба–синов ишларига Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги Нукус шаҳри, Мўйнок, Чимбой туманларининг 11 та маҳаллаларидаги 568 нафар оила аъзолари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантиришнинг тарбия стратегияси, унинг инновацион тизими, шакл, восита ва методлари.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, аналитик обзор, ретроспектив таҳлил, суҳбат, моделлаштириш, сўровнома, мониторинг, интервью, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

оилада тарбия жараёнининг педагогик тамойиллари диний эътиқодга доир тарбиявий шартлар ва таъминот, билимлар мажмуи, ташкиллаштириш ва лойихалаш каби концептуал омиллар уйғунлигига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

қорақалпоқ оилаларида ислом кадриятларини шакллантиришнинг институционал ва функционал тузилмаси Исломда тарбиявий ғояларнинг педагогик-психологик ва диний-маънавий асосларга кўра ажратилган манбалари (бош манбалар ва ёрдамчи манбалар) мазмунини белгилаш асосида ишлаб чиқилган;

диний-маънавий ва диний-дунёвий кадриятларнинг ижтимоийлашув ва маишийлашув даражасининг мазмун-моҳияти эътиқод ва ишонч, диққат, баҳолаш, бажариш, қўллаш, ўз устида ишлаш, садоқат таркиби асосида очиб берилган;

таълим-тарбия жараёнларида ислом кадриятларини шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик таъминот субъектлар фаолияти босқичларини педагогик ёндашув формуласи (<<комиллик ва ҳаётини позиция>> = <<шахс + эътиқод + билим + кўникма + малака>>) талабларига кўра белгилаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантиришга доир дунё миқёсидаги тарихий, фалсафий, социологик, ижтимоий, диний, ҳуқуқий, психологик ва педагогик омиллар, назариялар ва қарашлар таҳлил қилинган;

қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантириш бўйича таълим ва тарбиявий, умумбашарий ва миллий, дунёвий ва диний омиллар яхлитлигига асосланган интеграциялашган методик таъминот ва тарбия стратегияси ишлаб чиқилган;

қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантиришнинг замонавий ижтимоий-педагогик параметрлари белгиланган, таълим мазмуни такомиллаштирилган ва модернизация қилинган, инновацион таълим технологияси таклиф этилган;

қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантириш бўйича замонавий тарбия тизимининг модернизацияланган шакл, восита ва усуллари



белгиланган, унинг интерфаол методлари ва технологиялари тажриба-синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантиришга доир илмий-назарий ёндашув, қараш ва ғоялар, жаҳон тажрибаси, Шарқ ва Ғарб, хусусан Мовароуннаҳр алломалари ва тасаввуфларининг қарашлари ўрганилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усуллари, методик таъминот амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишлари репрезентативлиги, математик-статистик таҳлил тадқиқот самарадорлигини тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг назарий аҳамияти оилавий тарбия мазмуни қорақалпоқ оиласи асосида мазмунан такомиллаштирилганлиги, инновацион технология ва интерфаол метод, шакл, восита, йўллар белгилаб берилганлиги, улар тажриба-синовдан ўтказилганлиги, таклиф этилган инновацион педагогик тизимнинг самарадорлиги аниқланганлиги, инновацион назарий ёндашувлар, педагогик андоза, қараш ва ғоялар жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар оилавий тарбия мазмунини бойитганлиги, унинг оиладаги маънавий-маърифий фаолиятни инновацион мазмунда ташкил этишга хизмат қилганлиги, олинган натижалардан соҳа мутахассислари, хусусан профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, фуқаролик жамияти мутасаддилари ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

оилада тарбия жараёнларининг педагогик тамойиллари (тизимлилик ва изчиллик, узвийлик ва узлуксизлик, умумийлик ва яхлитлик каби), диний эътиқодга доир концептуал қарашлар (тарбиявий шартлар ва таъминот, билимлар мажмуи, ташкиллаштириш ва лойиҳалаш, вазифалар ва омиллар)га оид таклифларидан “Қаттағар”, “Арал”, “Тазғара” маҳаллаларида оилалар билан ишлаш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг 2019 йил 12 сентябрдаги 01-01/321-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг 2021 йил 15 февралдаги 447-сон маълумотномаси). Натижада, оилаларда тарбия жараёнларини тизимли ташкил этиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятларига оид тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш ишлари такомиллашган;

диний-маънавий ва диний-дунёвий кадриятларнинг (диний, маънавий, ижтимоий, кундалик, маиший) моҳияти, акмеологик, аксиологик ва дидактик асосларга оид рефлексив ҳаракатлар таркибини гуруҳлаштириш (эътиқод ва ишонч, диққат, баҳолаш, бажариш, қўллаш, ўз устида ишлаш, садоқат)га оид таклифларидан 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1150-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг 2021 йил 15 февралдаги 447-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёни сифатини ошириш, оилалар функциялари ва фаолият мақсадларига оид кўникмаларни ривожлантириш имконияти кенгайтирилган;

Ислонда тарбиявий ғояларнинг педагогик-психологик ва диний-маънавий манбалари (бош манбалар ва ёрдамчи манбалар) мазмуни, қорақалпоқ оилаларида ислом қадриятларини шакллантиришнинг институционал ва функционал тузилмаси, таълим-тарбия жараёнларида ислом қадриятларини шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик таъминот, субъектлар фаолияти босқичларини педагогик ёндашув формуласи ва талабларига оид таклифлари Тошкент давлат педагогика университетида 2014-2015 йилларда бажарилган ИОТ-2014-1-11 рақамли “Ёшларда юксак маънавий–ахлоқий фазилатларни миллий қадриятлар негизида шакллантириш йўналишидаги тадқиқотлар илмий натижалари асосида мультимедия ўқув қўлланмасини яратиш” номли лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 мартдаги 89-03-1150-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг 2021 йил 15 февралдаги 447-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа доирасида ота-оналар ва ёшларда ислом қадриятларининг ўрни, улар мазмуни, Шарқ алломаларининг қарашлари, ислом арконларига доир турғун шахсий-эмоционал муносабат ва инсоний фазилатларни шакллантиришнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10та халқаро ва 5та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27та илмий иш, 1та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7та, 5таси республика ҳамда 2таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, 149 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**“Кириш”** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги асосланган ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларни илмий ва амалий ахамияти ёритиб берилган, тадқиқот апробацияси, нашр қилинган ишлар, диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларини шакллантиришнинг педагогик асослари” деб номланган биринчи бобида оилада ислом кадриятларини шакллантиришнинг зарурияти ва долзарблиги, мавзунинг илмий-назарий асослари, мавжуд аҳволи ва такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

XX аср охири XXI аср бошида дунё миқёсида иқтисодий, молиявий, маданий, мафкуравий, ижтимоий туб трансформация жараёнларини ўзида мужассам қилган глобализация оқибатида башарият миқёсида ижтимоий фанлар, хусусан социология, психология, жамиятшунослик, тарих, фалсафа, экология, маданиятшунослик, политология, этнография, педагогика кабилар ислом омили билан боғлиқ равишда кадриятлар ўзи нима, улар нима учун зарур, кадриятлар йўқлиги нима учун ижтимоий инқирозларга олиб келади, улар қандай ва кимлар томонидан шакллантирилади каби масалаларни ўрганиш зарур эканлиги қайд этилди ва мақсадли тарзда ўрганила бошланди.

Диний омилнинг ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, ахлоқий, фалсафий, маънавий, маърифий хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар урф-одат, кадрият ва турмуш тарзи сифатида халқ анъаналарида намоён бўлади. Дин, ижтимоий жиҳатдан, турли жамиятлардаги дин асосида шаклланган ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, партиялар, одамлар жамоаларининг юзага келиши ва ўз ғояларини тарқатиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Дин, ҳуқуқий жиҳатдан, инсоннинг асосий шахсий ҳуқуқлари сирасига киритилади, демократик эркинликлардан бири сифатида эътироф этилади. Дин, маданий жиҳатдан, динга тааллуқли ижтимоий қатламларнинг ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги тасаввур ва қарашларининг санъат асарларида тарғиб ва ташвиқ қилинишидир. Дин, ахлоқий жиҳатдан, унга даҳлдор инсонларнинг ахлоқий-эстетик сифатларини шакллантирувчи асос бўлиб, уларда яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик ва ҳаром, маънавийлик ва маънавиятсизлик борасидаги кенг тушунчаларнинг мажмуини ташкил қилади. Дин, фалсафий жиҳатдан, оламнинг келиб чиқиши борасидаги диний тасаввурнинг шаклланиши учун хизмат қилади ва олам ҳақидаги тасаввурни дин асосида тушунтириб беради. Дин, маънавий жиҳатдан, динга эътиқод қилувчиларнинг маънавий қарашлари тизимига тенг келади. Дин, маърифий жиҳатдан, диний қатламларнинг маърифий қарашлари ва ғоялари мажмуидан иборатдир. Эътиқод дин ва маънавиятни бирлаштириб, узвий ҳилқатга айлантиради.

Имом Бухорийдан келтирилган Ҳадисларда динга қуйидагича таъриф берилади: “Дин бу имон, ислом, эҳсон йиғиндисидан иборатдир”. Шу билан бирга, “Дин бу – ақида, шариат ва тариқат бобидаги илоҳий кўрсатмалар тўпламидир” ёки “Соғлом ақл эгаларининг уларнинг ўз ихтиёрларига биноан бу дунёда салоҳиятга, у дунёда нажотга элтувчи илоҳий кўрсатмалар” дан иборат деган таърифлари ҳам мавжуд. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг айтган “Дин – насиҳатдир” деган ҳадиси мубораклари мавжуд. Агар фикримиз тасдиғи учун Қуръони Каримнинг ўзидан мисол келтирадиган бўлсак, “Наҳл” сурасида “Парвардигорингизнинг йўли – динига ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал йўлда мужодала – мунозара қилинг”, деб таъкидланади.

Тадқиқотда а) қадриятларга илмий нуқтаи назардан қандай баҳо берилган; б) ислом қадриятлари тушунчасининг педагогик мазмуни очилган; в) ислом қадриятлари тушунчасининг ҳуқуқий асослари белгиланган; г) ислом тарихи ва қадриятлари масаласида мамлакатимиз олимлари, хусусан исломшунос, шунингдек ҳуқуқшунос, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос олимларининг тадқиқотлари мазмуни белгиланган.

Бугунги кунда қадриятларни назарий белгилашда турли истилоҳлар қўлланилаётган бўлиб, уларни ҳам илмий жиҳатдан унификация қилиш даркор. Мана шундай терминлардан «аксиология», «қадриятшунослик», «қадриятлар фалсафаси», «қадриятлар назарияси», “дунёвий ва диний қадриятлар”, “ислом қадриятлари” каби атамалар қўлланилмоқда.

Қ.Назаровнинг фикрига кўра, “қадриятлар фалсафасининг тарихи узок бўлсада, бу тўғридаги фан – аксиология ўтган асрнинг ўрталарида шаклланди. Бу атама илмий билимлар соҳасига ўтган асрнинг иккинчи ярмида немис аксиологи Э.Гартман ва француз олими П.Лапи томонидан киритилган. Х.Рўзиевнинг таъкидлашига кўра, “Қадрият ва қадриятлар тизими, хусусиятлари, белгилари илмий-фалсафий адабиётларда эндигина очиб берилмоқда. “Қадрият инсон онги, манфаатлари, гносеологик қизиқишлари орқали ифодаланадиган тушунчадир. Аммо қадриятларнинг сенситив-когнитив хусусиятлари уларнинг онтологик асослари борлигини рад этмайди. Айнан мазкур онтологик асос, қадриятларнинг инсон ва жамият маънавий ҳаёти билан боғлиқлиги уларни ўрганишнинг ижтимоий аҳамиятини кўрсатади”.

Ислом таълими ва исломий қадриятларни кенг тарғиб қилинишида А.А.-Дж.Кочуевнинг чоп этган асарлари муҳим аҳамият касб этади. Унинг “Исламские педагогические термины и понятия» қисқача луғати нашр қилинди. Олимнинг “Педагогика ислама: основные идеи, история и современность” асари айнан ислом ва тарбия масалаларини замонавий давлат нуқтаи назаридан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Ислом динининг педагогик потенциали, олимнинг фикрига кўра, ислом дини асосларига таянган тарбиявий воситалар мажмуасининг шахс шаклланишига қаратилиши ва йўналтирилишидир.

Қадрият тушунчаси, яъни қадриятлар англатган маънавий-маърифий сифат ва фазилатлар мажмуи энг қадимги даврларда вужудга келган. Шарқ халқлари маънавий меросида хусусан Ўрта асрларда яратилган кўпчилик манбаларда авлод, фарзанд ва унинг камоли, уни тарбия қилиш, фарзандни инсон, шахс қилиб вояга етказиш қаторида исломий қадриятлар, урф-одатлар негизида тарбия қилишга махсус эътибор қаратилган. Мутафаккир олим Форобий “Билим – яхши хулқ-атвор билан безалган бўлиши керак” деб ҳисоблайди, Форобий фикрига кўра, бинобарин билим ҳам қадриятдир. Ибн Сино инсон ҳаётидаги икки неъмат ҳақида гапиради, “*Дунёда инсонга энг катта неъмат, Бири тинчлик бўлса, бошқаси сиҳат*”. Амир Темур ўз сипоҳларини жангу жадалга тайёрлашда улар бақувватлиги, саломатлиги ва жисмоний машқлар билан шуғулланишини ҳам келгуси зафарлар замири деб билган. Салтанатда махсус жисмоний ва маънавий-руҳий билимлар

мажмуасидан иборат болалар учун мактаб таълими жорий этилган. Мана шундай мадраса талабаларига аклий ўсиш, маънавий руҳий баркамоллик, тоза насл, ақл-фаросатлилиқ, хушмуомилалиқ, сабр, чидам, тинчликсеварлик, инсондаги қатъият, иш ва сўз бирлиги сипоҳу раият аҳволидан боҳабар бўлишлиқ, халқпарварлик бўйича махсус кўникмалар шакллантирилган. Аз-Замахшарий «Атвоқ аз-заҳаб» асарида ёш авлод тарбияси, унинг тақдири ҳақида фикрлайди. Олимнинг қарашларига кўра, инсондаги ростгўйлик, жонкуярлик, фидокорлик, инсонсеварлик, меҳнатсеварлик, раҳмдиллик, саҳийлик, оқиллик, ахлоқлилиқ, шунингдек авлод саломатлиги унинг жамиятда тутган мавқеини белгилайди. Аллома, инсоннинг ҳаётда танлаган йўли унинг ўзига боғлиқ эканлигини уқтиради.

Ислом қадриятлари мураккаб, кўп қиррали мазмунга эга бўлган тушунча бўлиб, уни ташкил қилувчи педагогик хусусиятлар ва омилларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир (1- расм).



**1-расм. Ислом қадриятлари тушунчасининг педагогик мазмуни хусусиятлари**

Бизнинг фикримизга кўра, қадриятлар – ижтимоий воқеликка мансуб бўлган, инсоният ўз эзгу ниятлари асосида улар муносабатлари ва яшаш тарзининг бош мезонлари сифатида ардоқлаб, азиз санаган хусусият, сифат, фазилатларнинг маънавий-ахлоқий, эмоционал-ҳиссий, аксиологик ва акмеологик хусусиятлар мажмуи бўлиб, уларнинг ижтимоий воқеликда инсонлар хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори, борлиққа муносабати, қарашлар тизими, қадамлари, қарорлари сифатида намоён бўлишидир.

*Ислом қадриятлари эса - ислом дини арконлари ва қонуниятлари асосида шаклланган, мусулмон шахсининг диний ва ижтимоий мажбуриятлари, унинг ахлоқий-маънавий сифат ва фазилатлари мажмуидан иборат тизим бўлиб, мазкур тизим мусулмон ҳаёт тарзининг бош мезонларини шакллантиради ва мусулмон шахси учун ардоқли бўлган*

хусусият, сифат, фазилатларнинг аксиологик ва акмеологик хусусиятларини намоён этади.

Педагогик нуқтаи назардан ислом қадриятлари, ислом дини арконлари ва дунёвийлик тамойиллари узвийлиги ва яхлитлиги, уларнинг ўзаро бирлиги асосида муслмон шахсининг диний ва ижтимоий мажбуриятлари, унинг ахлоқий-маънавий сифат ва фазилатлари мажмуидан иборат педагогик ва психологик категориядир.

Биз ўз диссертациямизда Қорақалпоғистон Республикасида оилада ислом қадриятларини шакллантиришнинг ўзига хос институционал ва функционал тизимини қуйидагилардан иборат қилиб белгиладик (2-расм).



**2-расм. Қорақалпоқ оиласида ислом қадриятларини шакллантириш тузилмаси**

Диссертациянинг **“Қорақалпоқ оиласида ислом қадриятларини шакллантиришнинг тарбия стратегияси, инновацион мазмуни, шакл ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида оилада ислом қадриятларини шакллантиришнинг тарбия стратегияси, тамойиллари, педагогик мазмуни ва интеграциялашган тизими, инновацион шакл, восита ва методлари, дидактик, акмеологик ва аксиологик мазмуни каби масалалар кўриб чиқилган.

Оилада ислом қадриятларини шакллантириш стратегияси мазмуни педагогик жараённи нима мақсадларда ва қандай қилиб ташкил қилиш жоиз деган саволга жавоб беради. Стратегия деганда маълум қоидалар асосида мақсадга етишнинг йўл харитасини тузиш, уни англаш ва қабул қилиш тушунилади. Шу нуқтаи назардан, педагогик стратегия – педагогик мақсадга етишнинг йўл харитасидир. Бинобарин, ислом қадриятларини шакллантиришда ўз ечимини кутиб турган бош масалалардан бири бу – дунёвий давлатда айнан мана шу дунёвий давлат мақсадларидан келиб

чиққан ҳолда ислом қадриятларини оила институтида қандай шакллантириш даркор, деган масаладир.

Оилага ислом қадриятларини шакллантиришда масъуллик мавқеини бера оламизми? Оила институтининг ўзи ислом қадриятларини шакллантиришга тайёрми? Оила бола ижтимоийлашувининг асосидир.

Бинобарин, оила азалдан ислом қадриятларини шакллантиришнинг муҳим ва илк босқичи сифатида фаолият кўрсатиб келган. Иккинчи савол, яъни замонавий оила институти ўзининг бугунги ҳолатига кўра ислом қадриятларини шакллантиришга тайёрми, деган саволга тўла ишонч билан “Ҳа, тайёр!” дея олмаслигимиз аниқ. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Объектив сабаб, ижтимоий муҳит ва унинг талабларининг оила институти вазифаларига бўлган салбий таъсири, яъни тоталитар тузум давридаги ислом динининг ижтимоий воқелиқдан сиқиб чиқариш таъсири билан бевосита боғлиқ. Субъектив сабаб эса, бугунги оиланинг моҳиятан трансформация бўлаётганлиги, оила ва никоҳ, оилавий муносабатларнинг маълум даражадаги инқирози, ота-оналарнинг асосан тирикчилик билан машғуллиги оқибатида ўз зиммасидаги бош вазифалардан бири – тарбия қилиш вазифасини унутганлиги ва ундан воз кечаётганлиги, ота-оналарнинг замонавий дунёга мос ва замон қўяётган талабларга жавоб берувчи фарзандларни қандай тарбия қилишни умуман билмасликлари, мазкур вазифани билишга уринмасликлари, очиқ айтадиган бўлсак, педагогик билимнинг етарли даражада эмасликлари билан боғлиқ. Бинобарин, мана шу масалаларни ижобий ҳал этмасдан туриб, биз, қорақалпоқ оиласида ислом қадриятларини шакллантириш вазифасини ҳал эта олмаймиз.

Тарбиянинг изчил ва тизимли бўлишида маълумдан → + номаълумга, осондан → + қийинга, оддийдан → + мураккабга, яккадан → + умумийга, умумийдан → + жузъийга, конкретдан → + абстрактга, мисоллардан → + қоидаларга ўтиш унинг самарадорлиги асосидир.

Қорақалпоқ оиласида ислом қадриятларини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш тарбия самарадорлигини таъминлаши белгиланди:

тизимлилик ва изчиллик, узвийлик ва узлуксизлик тамойили;

умумийлик ва яхлитлик;

тарбия билан таълимнинг бирлиги;

шахсга йўналтирилганлик;

илмийлик;

тарихийлик;

миллий йўналтирилганлик;

халқ педагогикаси;

оила педагогикаси.

Ислом қадриятларининг педагогик мазмуни ислом дини асосларида белгиланган комил шахсга доир ғоя, қараш, норма ва категорияларнинг мақсадли равишда педагогик жараёнда шаклланиши бўлиб, улар мазмунини оиладаги болалар ва ота-оналарга тушунтириш, англантиш, уларнинг тафаккурига айлантириш ва оддий турмуш тарзининг қонуниятига

айлантиришдан иборатдир. Бугунги кунда ислом кадриятларини шакллантириш тушунчасининг педагогик мазмуни:

ШАХС » + « ЭЪТИҚОД » + « БИЛИМ » + « КЎНИКМА » + « МАЛАКА » + « ШАХС = КОМИЛЛИК » + « ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯ  
формуласига тенг келади.

Ислом динининг педагогик потенциалини аниқлаш учун унинг, яъни ислом кадриятлари тушунчасининг илмий дефинициясини, биз ҳолатимизда педагогик мазмунини аниқлаштириш даркор. Ҳар қандай тарбия қилиниши зарур бўлган тушунчанинг педагогик мазмуни - нимани тарбия қиламиз, қандай тарбия қиламиз, нима учун тарбия қиламиз, қачон ва қаерда тарбия қиламиз, деган моҳиятлар бирлашувидан иборатдир (3-расм).



**3-расм. Оилада исломий кадриятларни шакллантиришнинг педагогик мазмуни**

Оилада ислом кадриятларини шакллантиришнинг турли иштирокчи томонлари мавжуд. Улар:

ота-оналар → улар ҳам таълим олувчи, ҳам таълим-тарбия берувчи ролида иштирок этадилар, шу боис, улар иккитомонлама билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга мажбурдирлар. Уларнинг таълим-тарбия берувчи ролидаги фаолияти таълим самарадорлигининг асоси саналади. Улар педагогга айлана олсаларгина, таълим самарадорлиги таъминланган бўлади. Бироқ, ундан аввал, ота-оналар таълим олувчилар сифатида ўзлари муваффақиятли бўлишлари тақозо этилади;

болалар → ота-оналарга йўлдош ҳолда, улар ибрати ва педагогик амаллари асосида таълим ва тарбия оладилар;

интеграциялашган иштирокчилар → давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусан ННТлар, ОАВ, Хотин-қизлар кўмитаси, Маҳалла, Ёшлар Иттифоқи, Болалар ташкилоти, Маънавият ва маърифат маркази, Нуруний жамғармаси, диний идора в.б.ларнинг тарғибот ва ташвиқот фаолияти асосидаги таъсири.

Ислом кадриятларига нисбатан **антропологик ёндашув** уни инсоннинг маънавий бойлиги сифатида қабул қилишда намоён бўлади. Ислом



қадриятларига **аксиологик ёндашув** комил инсон сиймоси, сифатлари ва мақсадида гавдаланади.

Ислом қадриятларини оилада шакллантириш таълим мазмунида, таълим жараёнида, уни ташкил қилиш ва билимларни беришда маълум интеграция бўлишини тақозо этади. Мазкур жараёндаги интеграциянинг икки бош хусусияти мавжуд бўлиб, улар а) ислом қадриятларига доир диний ва дунёвий билимларни жамлаб, ўзаро интеграциялаш ҳамда б) педагогик жараёнда иштирок этувчи тизимлар, яъни оила, маҳалла, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ, ижтимоий тармоқлар каби тарбиявий фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш асосида интеграциялашда намоён бўлади.

Ислом анъаналарида ўзига хос педагогик тамойиллар жамланган бўлиб, улар тарбия, таълим ва қайта таълимдан иборат қилиб белгиланган. Уларда рухий, интеллектуал, жисмоний, лингвистик, ахлоқий тамойиллар жамланган бўлиб, инсонда бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, ижтимоий фаоллик, барқарорлик, тинчликка интилиш, сабрли бўлиш, ўзини энг қийин вазиятларда ҳам тутиб туриш, босиқлик, вазминлик, самимийлик, тўғрилик каби юзлаб инсонпарварлик фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган.

Оилада ислом қадриятларини шакллантиришнинг диний-маънавий манбаларини биз бош манбалар ва ёрдамчи манбалар тарзида қуйидагича белгиладик,

#### **БОШ МАНБАЛАР:**

ислом динининг муқаддас манбалари бўлган Қуръон ва Ҳадислар;  
Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) нинг ҳаёти ва тарихига оид асарлар;  
ислом дини тарихига оид қисса, табақот, тазкира, манокӣб, ҳолот, сира, мақомот, арбаъин каби адабий жанрлар;

ўзбек халқининг диний урф-одатлари, анъаналари, маросимлари;  
диний мавзудаги халқ оғзаки ижоди намуналари (диний маросим қўшиқлари, лапарлари, афсоналар, қиссалар, матал, мақоллар, эпик асарлар, ўйинлар, суфий рақслар, мусиқа ва муножотлар);

диний тарихий архитектура-меъморчилик ёдгорликлари (мадрасалар, мачитлар, ёргорликлар, хонақоҳлар, мавзолейлар, қабртошлар);

ислом адабиёти, тарихи, манбашунослиги, матншунослиги, рассомлиги, миниатюра санъати, амалий санъати, ҳунармандчилиги ёдгорликлари;

ислом алломалари, хусусан ҳадисшунос, фикҳшунос уламолар, тавҳид, файласуфлар, энциклопедист олимлар, мутафаккир шоирлар, тасаввуф тариқатлари ва тамойилларида акс этган қарашлар ва ғоялар тизими.

#### **ЁРДАМЧИ МАНБАЛАР:**

ОАВ ларидаги диний-тарихий, диний-маърифий мавзулардаги телерадио кўрсатувлар, ислом тарғиботи бўйича маърифий телерадио каналлар, Муслмонлар диний идорасининг газеталари, журналлари, кўрсатувлари;

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг диний-тарихий, диний-маърифий мавзулардаги илмий тадқиқотлари;

ижтимоий тармоқлардаги турли сайтлар ва каналлар;

оила билан мактаб, маҳалла таълими интеграцияси жараёнида диний-тарихий, диний-маърифий мавзуларнинг ёритилиши.

Ислом қадриятларини ким шакллантириши даркор, деган масала ўзининг муаммоли жиҳатларини намоён этади. Бу биринчи муаммо. Чунки оилавий тарбия учун малакали мутахассисларни таълим тизими шакллантирмайди. Ота-оналар ислом қадриятлари ва уларни шакллантириш бўйича тегишли билим ва малакаларга, хусусан педагогик билим ва малакаларга эга эмаслар. Ота-оналарнинг баъзилари намоз ўқиши, ислом масалаларига қизиқиши, ислом арконлари борасида маълум ахборотларни билиш мумкин. Аммо яхлит тарзда ислом педагогикаси ва ислом қадриятлари нима эканлигини уларга ҳеч ким ўргатган эмас. Бинобарин, ислом қадриятларини оилада шакллантириш учун ота-оналарнинг ўзларини маълум билимлар билан қуроллантириш даркор.

Ислом қадриятлари асосидаги бола тарбиясида қуйидаги аспектларга эътибор қаратиш ва уларни назарга олган ҳолда оилавий таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш тақозо этилади: *диний-маърифий ва диний-маънавий омил; маънавий-ахлоқий; интеллектуал салоҳиятни ўстириши; жисмоний кучли бўлиш ва соғломлик; руҳий-психологик қадриятлар.*

Оилада ислом қадриятларини шакллантириш жараёни ўз моҳиятига кўра билиш босқичи ва билимларга амал қилиш босқичидан иборат бўлади. Билиш босқичида ислом қадриятлари борасида тегишли билимлар мажмуи мақсадли тарзда ота-оналар ва болалар тафаккурида шакллантирилади. Бинобарин, ислом қадриятларини шакллантиришда педагогик мақсад ота-оналар ва болаларга бирдек қаратилиши, улар мажмуидан иборат бўлиши, шу билан бирга ота-оналар педагогик жараённинг ташкилотчилари, масъуллари ва жавобгарлари эканлигини унутмаслик тақозо этилади.

Диссертациянинг **“Қорақалпоқ оиласида ислом қадриятларини шакллантиришнинг самарадорлик даражаси”** деб номланган учинчи бобида оилада ислом қадриятларини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари методикаси ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари ва тизим самарадорлиги масалалари таҳлил қилинган.

Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги, яъни Нукус шаҳри, Мўйноқ, Чимбой туманларининг 11та маҳаллалари танлаб олинди. Оилаларнинг статуси белгиланди. Мусулмон динига эътиқод қилувчи оилалар ва уларнинг ислом динига оид ички яшаш тарзи белгиланди. Танлаб олинган оилаларнинг бирортаси илмий тадқиқот мавзуси, унинг мақсадларига эътироз билдирмади. Билакс барча оилаларда ислом қадриятларига чуқур ҳурмат борлиги, мана шундай илмий равишда янги педагогик технологиялар асосида ислом қадриятлари ва ислом ахлоқининг кучайтирилиши болаларга жуда катта фойда олиб келиши бир овоздан таъкидланди ва қўллаб-қувватланди. Оилаларда бирламчи ва иккиламчи сўровномалар ўтказилди. Улар таҳлил қилинди.

Тадқиқот учун танлаб олинган оилаларда ислом қадриятларининг шаклланганлик даражасини белгилаш бўйича умумий миқёсда 1784та анкета-сўровномалар тарқатилди. Анкета сўровномаларда 34 ёшдан 48 ёшгача бўлган ота-оналар иштирок этди. Оилаларда болаларнинг ёш дифференцияси бўйича бўлинишида боланинг психологик ва жисмоний

хусусиятлари инобатга олинди. Шунга кўра, болалар ёш жиҳатидан 3-5 ва 5-7 ёшли болалар гуруҳларига ажратилди. Тажиба-синов ишларига жалб этилган оилаларнинг ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти ва дунёқарашининг турлича бўлишлиги таъминланди.

Тажиба-синов ишларини ташкиллаштириш жараёнида оиладаги ислом кадриятларини шакллантиришнинг илмий, интеллектуал, ахлоқий ва ҳиссий-эмоционал жиҳатдан шакллантирилганлиги даражасини кўрсатувчи хусусиятлар ишлаб чиқилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Қорақалпоқ оиласида ислом кадриятларининг шаклланганлик даражалари

№	Даражалар	Тафаккур хусусиятлари
1	<i>Қуйи даража</i>	<p>Ота-оналар: қорақалпоқ оиласида ислом кадриятлари борасида ва унинг маънавий-маърифий мазмуни борасида маълум ахборотларнинг мавжудлиги, бироқ уларнинг яхлит бир тизим, қарашлар мажмуи сифатида шаклланмаганлиги, ислом арконлари, ислом тарихи, пайғамбарлар тарихи, Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёти ва амаллари борасида умуман тасаввурларнинг йўқлиги, муҳими ота-оналарнинг ўзларида нима ишлар гуноҳ эканлиги, савоб ишлар, Аллоҳга эътиқоднинг амалий мазмуни, дин арконлари, ибодат, исломнинг инсон ҳаётидаги ўрни борасидаги тегишли тасаввурларнинг йўқлиги.</p> <p>Болалар: 3-5 ёшлиларда салом бериш, ассалом дейишнинг исломий мазмунини билмасликлари, намоз, ибодат, яхши, солиҳ амаллар, Аллоҳ, ибодат, калима, суннат, Муҳаммад пайғамбар, Ҳадича онамиз, Хожар онамиз, Фотима ва Ойша, ҳалифалар, Мусо, Исо, фиръавн каби сўзлар мазмунини умуман билмаслиги, мазкур сўзларни билмаслиги, уларни эшитмаганлиги;</p> <p>5-7 ёшлиларда салом бериш, ассалом дейишнинг исломий мазмунини билмасликлари, намоз, ибодат, яхши, солиҳ амаллар, Аллоҳ, ибодат, калима, суннат, Муҳаммад пайғамбар, Ҳадича онамиз, Хожар онамиз, Фотима ва Ойша, ҳалифалар, Мусо, Исо, фиръавн каби сўзлар мазмунини умуман билмаслиги, мазкур сўзларни билмаслиги, уларни эшитмаганлиги;</p>
2	<i>Ўрта даража</i>	<p>Ота-оналар: қорақалпоқ оиласида ислом кадриятлари борасида ва унинг маънавий-маърифий мазмуни борасида маълум чуқурлаштирилган тарихий ахборотларнинг мавжудлиги, уларнинг ислом сўзининг маъносини билиши, ислом арконларини санаб бера олиши, бироқ уларнинг ҳар ҳолда яхлит бир тизим, қарашлар мажмуи сифатида шаклланмаганлиги, ислом арконлари, ислом тарихи, пайғамбарлар тарихи, Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёти ва амаллари, Мусо, Исо пайғамбар ва пайғамбарлар тарихини сўзлаб бера олмаслиги, ислом тарихи борасида маълум тасаввурларнинг мавжудлиги, солиҳ амаллар ва гуноҳ амалларни ажрата олиш малакасининг мавжудлиги, оилада бобо ва бувилар томонидан намоз ўқилиши, Куръон оятлари тиловатини катталар билиши, Аллоҳ сифатларини билиш, эътиқоднинг амалий мазмуни, дин арконлари, ибодат, исломнинг инсон ҳаётидаги ўрни борасидаги тегишли тасаввурларнинг маълум</p>

